

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • www.xs.uz • E-mail: info@xs.uz • 2021 йил 3 июль, № 140 (7920) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


**Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган умумхалқ ҳаракати сафларида сиз, азиз ёшларимизнинг қудратли тўлқин бўлиб майдонга чиқаётганингиз юксак таҳсинга сазовордир.**

*Шавкат МИРЗИЁЕВ*

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗ МАЪРУЗАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Янги Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.*

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов, Спикер ўринбосари О. Тожиев, депутатлар, Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгиланган йўналишлардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Ёшлар парламенти олдида турган устувор вазифалар муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, ёшлар ҳар бир давлатнинг келажагини, салоҳиятини белгиловчи муҳим қатлам ҳисобланади. Шу боис тараққиётнинг янги босқичида мамлакатимизда ёшларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, етук инсонлар бўлиб улғайиши учун уларга барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Уларнинг орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш, илғор ташаббус ва ғояларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ёшлар парламенти аъзоларининг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билим ва кўникмаларини янада ривожлантириш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бугунги билимга чанқоқ, ўз мақсадини аниқ белгилаган, интилувчан ёшларимиз келажакда ҳақиқий етук кадрлар бўлиб етишиши учун режа ва мақсадларини ҳозирдан аниқ белгилаб олишга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

➔ 2



## ЁРУҒ КЕЛАЖАГИМИЗ БУНЁДКОРЛАРИ

Дил сўзи

*Бу йил 30 июнь — Ёшлар куни мамлакатимизда ўзгача кайфиятда, кўтаринки руҳда кенг нишонланди. "Ёшлар ойлиги" доирасида юртимизнинг барча ҳудудида "Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!" шиори остида турли тадбирлар, учрашувлар, форум ва фестиваллар, концерт дастурлари ташкил этилди.*

*Куни кеча Тошкент Ботаника боғида ўтказилган Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форумида Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, барча йигит-қизларни байрам билан табриклади.*

*Давлатимиз раҳбарининг самимий дил сўзлари, ёшларнинг орзу-умидларини, истак-мақсадларини рўёбга чиқаришга қаратилган таклиф ва ташаббуслари бутун халқимизга, айниқса, навқирон авлод вакилларига чексиз қувонч, фахр-ифтихор бахш этди.*

*Уларнинг фикр-мулоҳазаларидан ҳам буни яққол англаш мумкин.*

2-саҳифага қаранг. ➔

ДУНЁ НИГОҲИ

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШ СОҲАСИДА ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

**Шу йилнинг 1 июль куни Америка Қўшма Штатлари Давлат департаменти ҳар йили анъанавий тарзда тайёрланадиган одам савдосига қарши курашнинг дунё бўйича ҳолатига бағишланган маърузасини эълон қилди.**

Қоида тариқасида маърузада давлатлар 3 та тоифага ажратилади, яъни:

1-тоифа — давлат идоралари одам савдосини бартараф этиш бўйича минимал стандартларга тўлиқ амал қиладиган мамлакатлар;

2-тоифа — давлат идоралари минимал талабларни тўлиқ бажармаган, аммо ўз фаолиятини ушбу стандартларга мувофиқлаштириш учун салмоқли ҳаракатларни амалга оширадиган мамлакатлар;

3-тоифа — давлат идоралари минимал талабларга тўлиқ риоя қилмайдиган ва ўз фаолиятини ушбу стандартларга мувофиқлаштириш учун жиддий ҳаракатларни амалга оширмайдиган мамлакатлар.

Шунингдек, ҳисоботда 2 ва 3-тоифадаги давлатлар ўртасида оралиқ — "2-тоифадаги давлатларнинг назорат рўйхати" ҳам мавжуд.

Эълон қилинган мазкур маърузада жаҳондаги 192 та давлатда ушбу соҳадаги вазият чуқур таҳлил этилган, йўл қўйилган камчиликлар билан бир қаторда, эришилган натижалар ҳам инобатга олинган.

Маърузада Ўзбекистон ўз позициясини яхшилаб, "2-тоифадаги давлатларнинг назорат рўйхати"дан чиқарилиб, 2-тоифадан ўрин олди, яъни давлат идоралари минимал талабларни тўлиқ бажармаган, шу билан бирга, ўз фаолиятини мазкур стандартларга мувофиқлаштириш учун салмоқли ҳаракатларни амалга оширадиган мамлакатлар қаторида қайд этилди.

Маълумот учун айтиш жоизки, АҚШ Давлат департаментининг 2018 йил июнда эълон қилинган ҳисоботида Ўзбекистон рейтинги энг ёмон 3-тоифадан "2-тоифадаги мамлакатларнинг назорат рўйхати"га кўтарилган эди.

2020 йилги ҳисоботда АҚШ Давлат департаменти раҳбари Ўзбекистонни алоҳида тилга олиб, "Ўзбекистоннинг ушбу муаммони ҳал қилишга қаратилган катта саъй-ҳаракатлари минтақадаги мамлакатлар учун янги стандартни белгилаб бермоқда", дея ушбу муаммони бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо берган эди. Хусусан:

— пахта терими вақтида мажбурий меҳнатдан фойдаланиш (шунингдек, талабалар, ўқитувчилар ва соғлиқни сақлаш ходимларини тизимли жалб этиш)ни тўхтатиш, пахта терувчиларга бериладиган мукофот суммасини ошириш, ихтиёрий меҳнатни рағбатлантириш учун меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш;

— халқаро кузатувчиларнинг монеликсиз текшируви учун имконият яратиб беришни давом эттириш;

— териладиган пахтанинг мажбурий ҳажмларини давлат томонидан белгилаш тизимининг бекор қилиниши, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия таъсис этилиши шулар жумласидандир.

Жорий йилги ҳисоботда Ўзбекистон одам савдосига барҳам бериш бўйича катта саъй-ҳаракатларни амалга ошираётганлиги, хусусан, миллий қонунчиликдаги ўзгаришлар, фуқаролик жамияти фаоллари билан ҳамкорлик ҳамда Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия томонидан амалга оширилаётган ишлар алоҳида қайд этилган.

Шунингдек, Давлат меҳнат инспекцияси томонидан болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат ҳолатларини аниқлаш бўйича текширувлар сонининг ортганлиги, мамлакатимизда одам савдосига оид жиноятларни аниқлаш ва қонуний жавобгарликка тортиш борасидаги ишлар сезиларли кўпайганлиги ҳам ижобий баҳоланган.

Ҳисоботда Ўзбекистон рейтингининг ижобий томонга ўзгариши мамлакатимиздаги инвестициявий муҳитнинг янада яхшиланишига ва натижада халқаро бренд корхоналарнинг юртимиз бозорига кириб келиши учун қулай шарт-шароитлар яратилишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, АҚШ ва Европа давлатларидаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан савдо-иқтисодий ҳамда инвестициявий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

Ҳисоботда Ўзбекистонда ушбу йўналишдаги ишларни янада яхшилаш бўйича тавсиялар ҳам акс эттирилган.

**Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия.**

Давра суҳбати

## ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ҚИЛИНЯПТИ?

*Давлат активларини бошқариш агентлигида Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан "Демонополизация ва давлат мулкини хусусийлаштириш масалалари" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.*

Тадбирда шу йил 1 июль куни Президентимиз раислигида давлат активларини хусусийлаштириш соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифаларга алоҳида урғу берилди.

Таъкидланганидек, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш, хусусий мулк ролини янада мустаҳкамлаш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни амалга оширишдан иборатдир.

Давлат компанияларини трансформация қилишни жадаллаштириш ва хусусий сектор иштирокини кенгайтириш, амалда давлат активларини очиқ-ошкора ҳамда самарали сотиш, халқаро молиявий ва ҳуқуқий маслаҳатчиларни жалб этиш юзасидан бир қатор ишлар рўёбга чиқарилгани қатнашчилар томонидан айтиб ўтилди.

➔ 3

## ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК САМАРАСИ

*Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатлари кейинги йилларда мутлақо янги босқичда ривожланмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг очиқ, дўстона ҳамда прагматик тамойилларга асосланган ташқи сиёсати Ўзбекистонни нафақат минтақада, балки бутун дунёда тинчликсевар, ҳамжиҳатлик ва яхши қўшничилик ҳамда тенг манфаатли муносабатларни қадрловчи мамлакат сифатида яна бир бор намоён этмоқда.*

*Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 10-11 июнь кунлари Тожикистонга уюштирган расмий ташрифи ҳамда унинг доирасида эришилган келишувларга жаҳон ҳамжамияти, халқаро эксперт ва мутахассислар юксак баҳо берди. Бу турли оммавий ахборот воситалари орқали узатилган материалларда, шарҳларда, муносабатларда ҳам акс этди.*

*Эътиборингизга ана шундай чиқишлардан бирини, Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, иқтисодиёт фанлари доктори Баҳодир ҲАСАНОВнинг Тожикистон Республикаси Ҳукумати нашри — "Халқ овози"да чоп қилинган материалини ҳавола этамиз.*



Нуқтаи назар

Тарих саҳифаларидан яхши биламизки, тожиклар ва ўзбеклар Марказий Осиё минтақасидаги энг қадимги халқлар ҳисобланиб, инсоният тамаддунида жуда катта роль ўйнаган ҳамда минг йиллар давомида яхши қўшничиликни яратиш, шакллантириш, ривожлантириш ва тарғиб қилишда улкан ҳиссаларини қўшган. Марказий Осиёда минг йиллар ичра турли халқ ҳамда миллатлар биргаликда яшаган, турли сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатларни бошдан кечирган, бир-бирларининг урф-одатлари, маданияти ҳамда тарихидан баҳраманд бўлган.

Тожиклар ва ўзбеклар муносабатлари бошқа халқларга қараганда азалдан дўстлик ҳамда бирдарлик, эзгулик ва яқинлик, хайрихоҳлик ҳамда ўзаро ҳурмат билан белгиланиб келган. Дарҳақиқат, биз бир-биримизга шунчалик яқин бўлган икки дўст ва қардош халқмизки, буни халқларимизнинг моддий ҳамда маънавий ҳаётида яққол кўришимиз мумкин.

Ўз-ўзидан ҳам маълумки, тожик ва ўзбек халқларининг ўхшашлигини урф-одатлари, муштарак анъаналари, миллий маросимлари янада бир-бирига яқинлаштирган. Мана шу ўхшашликларнинг келиб чиқишию фарқини асло ажратиб бўлмайди. Шунинг учун тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, бугунги кунда дунёнинг бирон гўшасида ушбу икки миллатдек бир-бирига шунчалик яқин бошқа бирорта халқ йўқ. Бизнинг бирлигимиз нафақат урф-одат, анъаналар, динлар ҳамда расм-русм тарихида, балки сўзлар ва амалларда, бир-бирини ҳурмат қилишда, қўшничилик муносабатларида ҳам ўз аксини топган. Ўзбек тилида минглаб тожикча сўзлар ҳамда иборалар, шунингдек, тожик тилида кўплаб ўзбекча сўзлар ишлатилади.

Икки миллат ўртасидаги дўстлик ва яқинлик, қавм-қариндошлик бошқа халқлар учун ўрнакдир. Тарих саҳифаларини ўрганиш шундан далолат берадики, тожиклар ҳамда ўзбеклар кўплаб тарихий ҳодиса-воқеаларда, ғаму ташвиш ва қувончларда, муваффақиятсизликлар ҳамда ғалаба қозонишларда ёнма-ён турган ва бир-бирига ён босган. Қалам аҳли ҳамда фузалолар икки миллат дўстлиги тарихи намунаси сифатида буюкларимиз — мавлоно Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий асос солган дўстликни тараннум этиб, улар ҳозирги ҳамда келажак авлодларга қолдирган меросини зар сатрларда улуғлайди.

➔ 2

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОКИСТОН ЎРТАСИДА СИЁСИЙ МАСЛАҲАТЛАШУВ

**2 июль куни Тошкентда Ўзбекистон ва Покистон ташқи ишлар вазирликлари ўртасида сиёсий маслаҳатлашувларга бағишланган навбатдаги видеоконференция бўлиб ўтди.**

Анжуманда Ўзбекистон — Покистон кўп қиррали ҳамкорлигининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди. Савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация алоқаларини чуқурлаштиришга томонлар манфаатдорлиги яна бир бор билдирилди.

Кун тартибидан Тошкент — Лахор — Тошкент авиақатновларининг тикланиши ҳам ўрин олди. Ўзбекистон ва Покистон давлатлари ўртасида ўзаро туризм соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, июнь ойида Покистон авиакомпанияси томонидан учта чартер парвоз амалга оширилгани қайд этилди.

Таъкидлаш керак, 2021 йил 14 апрелда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Бош вазири Имрон Хон ўртасида онлайн-учрашув бўлиб ўтган эди. Ўшанда мамлакатлараро шерикликнинг долзарб масалалари, шу жумладан, конструктив сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо, инвестициялар, транспорт ва транзит соҳаларидаги ҳамкорлик дастурлари илгари сурилган эди.

➔ 3

## «ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ» – ЭНГ ТЎҒРИ ЕЧИМ

*Фаолият самарадорлиги паст ҳамда харажатлари юқори бўлган, атроф-муҳитга сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатиб, кўп ресурс талаб этадиган иқтисодиётнинг эски моделини енгиб ўтиш ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммоларидан биридир.*

Мушоҳада

Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда дунёнинг аксарият мамлакатлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш иқтисодиёт учун юк, деб ҳисобланадиган анъанавий моделдан экология ривожида двигатель вазифасини ўтайдиган "яшил иқтисодиёт" моделига ўтиш йўлидан бормоқда.

Янги глобал яшил ривожланиш йўлини танлаш тараққиётнинг муҳим йўлларидан бўлиб, у жаҳон иқтисодиёти ва молиявий тизими барқарорлиги ҳамда инсоният равнақини таъминлайди. Лўнда айтганда, "яшил иқтисодиёт" — бу қайта тикланувчи, ресурстежамкор, кам чиқитли технологиялар кенг қўлланиладиган, "иссиқхона газлари" паст даражада чиқариладиган, атроф-муҳит учун хавфи камайтирилган табиий ресурсдан самарали фойдаланишга асосланган иқтисодиётдир.

Айнан шу мақсадда Президентимиз 2021 йил 30 майда "Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик — 2030" иккинчи халқаро саммитида "яшил трансформация" бўйича бир қатор асосий ечимларни илгари сурди.

Ҳақиқатда иқлимнинг кескин ўзгариши, сув ресурсларининг тақчиллиги ва ифлосланиши, ичимлик суви сифати пасайиши, минтақада сув оқимлари асосий қисми ҳосил бўладиган Помир ҳамда Тянь-Шань тоғларида музликлар майдони камайиши, ерларнинг ифлосланиши ва таназзулга учраши, биологик хилмахиллик қисқариши, аҳоли соғлиғи ҳамда генофонди ҳолати ёмонлашиши юзага келган бир шароитда давлатимиз раҳбарининг таклифлари ўта муҳим ва ҳаётий аҳамиятга эга.

➔ 3



Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2021 йил 3 июль

# ПРЕЗИДЕНТИМИЗ МАЪРУЗАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

1 Давра суҳбатида Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форумида иштирок этган Ёшлар парламенти аъзолари ўзларининг таассуротлари ҳамда фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шунингдек, ҳудудий студиялардан онлайн қатнашган Ёшлар парламенти аъзолари ҳам кун тартибидаги масалалар юзасидан ўзларининг таклифларини берди.



Тадбир якунида Президент белгилаб берган вазифалардан келиб чиқиб, истиқболда амалга ошириладиган ишлар бўйича "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқишга келишиб олинди.

# МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ҲАМИША УСТУВОР

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясида мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форумидаги маърузаси мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.*

Уни ЎзМТДП фракцияси раҳбари Алишер Қодиров очар экан, Президентимизнинг Ёшлар форумидаги маърузаси жуда ҳам таъсирчан ҳамда ноанъанавий бўлганини ва унда "Миллий тикланиш" ёшлари ҳам фаол қатнашганини қайд этди.

— Форумда Президентимиз томонидан ёшлар муаммоларини ечишга қаратилган ўзига хос бир нечта муҳим таклифлар илгари сурилди. Улардан бири — партиямиз томонидан мунтазам кўтарилиб келинаётган таълим кредити масаласида аниқ ечимлар билдирилди. Энди таълим кредити Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмаган ҳолда ажратиладиган бўлди, — деди А. Қодиров.

Шундан сўнг сўз навбати форумда бевосита иштирок этган Ёшлар парламенти аъзоларига берилди.

Жумладан, Ёшлар парламенти раҳбари, "Келажак бунёдкори" медали соҳибаси Шаҳноза Жолдасова сўзга чиқиб, Президент томонидан берилган мукофот партиянинг ёш депутатларига берилган баҳо эканини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг маърузасида таълим-тарбия, миллий қадрият масалаларига устуворлик берилгани ва бу партиянинг энг асосий ғояларидан эканини эътироф этди.

Очиқ мулоқотда масофадан қатнашган ҳудудий кенгаш йигит-қизлари ҳам сўз олиб, ёшлар сиёсати бўйича ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирди.

Тадбир иштирокчилари партия етакчиси Алишер Қодировнинг энди ҳар бир фракция йиғилишида партиянинг Ёшлар парламенти аъзоларидан беш нафари бевосита Қонунчилик палатасига келиб қатнашиши бўйича билдирган таклифини бир овоздан маъқуллади.

# МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ТОПИШДА ЖОНБОЗЛИК КЎРСАТИШ ЗАРУР

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракциясининг видеоконференция тарзида бўлиб ўтган йиғилиши ҳам юқоридаги масалалар ва ундан келиб чиқадиган фракция олдидаги вазифаларга бағишланди.*

Ҳар йили давлатимиз раҳбари 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан алоҳида давлат тадбирларида ёшлар билан учрашиб, бевосита суҳбат олиб бораётгани мамлакатимиз ёшларини бирдек қувонтирмоқда. Уларда келажакка ва янги ғояларга бўлган иштиёқни оширмоқда.

Фракция йиғилишида Ёшлар куни муносабати билан бўлиб ўтган тантанали тадбир доирасида давлатимиз раҳбари навқирон авлоднинг илм-фан, технологиялар, адабиёт, санъат каби соҳаларда эришаётган натижаларини акс эттирувчи кўргазма ва намойишлар билан танишиб, ёшларнинг ихтиролари, маҳорати, бадиий чиқишларини кўздан кечиргани, улар билан суҳбатлашиб, ўқиш ҳамда изланишларига муваффақиятлар тилагани ва юртимизда йигит-қизлар учун янада қулай шароитлар яратувчи маърузаси ёшларимизга келгуси фаолиятлари учун улкан қанот бағишлагани айтилди.

Жумладан, мамлакатимизда эртамиз эгалари таълим-тарбияси, ҳуқуқ ва манфаатларига устувор аҳамият қаратилиб, алоҳида давлат ташкилоти — Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилгани, бундан ташқари, Ёшлар иттифоқи, унинг ҳузурида ўттиздан ортиқ нодавлат ташкилотлар фаолият юритаётгани, барча шаҳар ҳамда туманларда "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури, турли соҳаларни қамраб олган "Беш ташаббус" лойиҳалари амалга оширилаётганлиги қайд этилиб, ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларнинг янада сифатли бажарилишини таъминлашда фаол қатнашиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, фракция йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистонда ҳар бир йилга қандай ном берилишидан қатъи назар, ёшларнинг билим ва касб-ҳунар эгаллаши, улар учун муносиб иш ҳамда турмуш шароити яратиш масаласи доимо эътибор марказида бўлиб қолиши хусусидаги таклифи қўллаб-қувватланиб, бу борада олиб борилаётган ислоҳотларнинг ижроси сифатли бажарилишида кўмакдош бўлиш зарурлиги масаласи ўртага ташланди. Бунда ҳар бир вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда маҳаллий Кенгашлар томонидан берилган таклифлар асосида ишлаб чиқиладиган алоҳида дастурлар ҳаётга татбиқ этилиши бўйича мунтазам назоратни олиб бориш белгилаб олинди.

Шу билан бирга, фракция йиғилишида депутатлар аҳоли ва ёшларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш, ҳудудларда дастурлар ижросини назорат қилиш, сайловчилар билан учрашувлар доирасида йигит-қизлар билан мулоқотлар олиб бориш ҳамда улар томонидан кўтарилган ташаббусларни амалиётга жорий этишда жонбозлик кўрсатиш зарурлиги айтилди.

**Мунисхон КАРИМОВА.**

# ЁРУҒ КЕЛАЖАГИМИЗ БУНЁДКОРЛАРИ

**Мавсумжон УМАРОВ,
Олтиариқ туманидаги "Мавсум агрологистика" ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари, "Шуҳрат" медали соҳиби:**



— Бу йилги байрам менга унутилмас хотираларни туҳфа этди. Президентимиз Фармонига кўра "Шуҳрат" медали билан тақдирландим. Тошкент Ботаника боғида давлат раҳбари билан учрашиш насиб қилди. Ҳаётимдаги бу бахтли дамлар руҳимни кўтариб, эртанги кунга ишончимни янада мустаҳкамлади.

Олтиариқ туманида тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйганимга унчалик кўп бўлгани йўқ. Аммо ўтган қисқа даврда эришилган ютуқларимиз чакки эмас. Айни пайтда "Мавсум агрологистика" кооперативида "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари"га киритилган 583 нафар қишлоқдошимнинг бандлиги таъминланган. Кооперативимизнинг ҳар бир аъзосига 15 сотихдан ер ажратилган. 11 та қудуқдан сув чиқарилиб фойдаланилмоқда.

Ҳозирги кунда иссиқхоналаримизда етиштирилган маҳсулотлар, асосан, экспортга йўналтирилмоқда. Яқингача ҳам қаровсизликдан чўлу биёбон бўлиб ётган ерлар энди юзлаб оилалар учун даромад манбаига айланганидан беҳад мамнунмиз.

Президентимиз кеча маърузасида қайд этганидек, биз, ёшлар янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган умумхалқ ҳаракати сафларида қудратли тўлқин бўлиб майдонга чиқаётганимиздан беҳад фахрланамиз.



**Абатбай ДАНИЯРОВ,
Ёшлар ишлари агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи, сенатор:**

— Бу йилги Ёшлар куни кўп сонли йигит-қизлар қатори менинг ҳам ҳаётимда қувончли хотиралар билан муҳрланди. Шу куни Президентимиз билан яна бир бор учрашдим ва давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзи камтарона фаолиятимни юқори баҳолаб, кўксимга "Дўстлик" орденини тақиб қўйди.

Бу ҳолатдаги ҳаяжон ва фахрни ҳозир сўз билан таърифлашга ожизман. Аммо ушбу мукофотни бутун қорақалпоғистонлик ёшлар кўксига тақилган орден деб биламан.

Президентимизнинг оталарча ғамхўрлиги, меҳр-эътиборидан руҳланиб, яратилган шарт-шароит ҳамда имтиёзлардан бугунги кун ёшлари тўғри ва оқилона фойдаланиб, ўзларининг олдига қўйган мақсадларига эришиш учун ҳаракат қилмоқда.

Мамлакатимизда 2021 йилда ёшлар билан ишлашнинг янгича тизими жорий этилиб, "ёшлар дафтари"нинг юритилиши кўплаб йигит-қизлар ҳаётида тўпланиб қолган муаммоларни бартараф қилишда ҳамда уларнинг таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада нафақат Ёшлар ишлари агентлиги, балки барча вазирлик ҳамда идоралар, ҳудудлардаги 4 та сектор раҳбари ўзаро ҳамжиҳат ишлаётганидан хурсандмиз. Навқирон авлоднинг орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида бундан кейин ҳам бир мушт бўлиб олдинга интиламиз.

Умуман, бу мукофот менга келгуси фаолиятимда баланд руҳ беради, катта масъулият юклайди. Юртимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш йўлида Президентимизга камарбаста бўлишга ва яратиб берилаётган имкониятлардан тўлиқ ҳамда янада самарали фойдаланишга бор куч ва имкониятимни сафарбар қиламан.

**Абдураҳмон АБДУЛЛАЕВ,
Самарқанд шаҳридаги 17-умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси, "Мард ўғлон" давлат мукофоти соҳиби:**



— 9 ёшимдан бошлаб, от спорти билан шуғулланаман. Шу пайтга қадар кўплаб халқаро мусобақаларда от спортининг тўсиқлардан сакраш йўналиши бўйича иштирок этиб, юқори натижаларга эришиб келяпман.

2020 йилда Испанияда ўтган икки юлдузли халқаро мусобақада ғолиб бўлиб, олтин медални қўлга киритдим. Шу йилнинг 9 — 11 июнь кунлари эса Германиянинг Ҳаген шаҳрида ёшлар ўртасида бўлиб ўтган "Future Champions — 2021" халқаро мусобақасида 300 дан ортиқ спортчилар орасида биринчи ўринни эгалладим. Бу менга 19 июнь куни Польшада бўлиб ўтган от спортидаги энг баланд даражадаги беш юлдузли халқаро мусобақада қатнашиш имконини берди. Унда ҳам ғолиб бўлиб, битта кумуш ва битта олтин медални қўлга киритдим.

Ёшлар куни муносабати билан бўлиб ўтган Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форумида Президентимизнинг қўлга киритаётган ютуқларимни алоҳида эътироф этганидан, "Мард ўғлон" давлат мукофоти кўкрак нишонини кўксимга тақиб қўйганидан беқиёс қувонч ҳамда ифтихор туйдим.

Юртбошимизнинг юксак ишончи менга янада кўпроқ куч ва ғайрат бағишлади. Насиб этса, 2024 йилда Францияда бўлиб ўтадиган олимпиадада иштирок этиш ҳамда ғолиб бўлишни дилимга тугдим. Бундан кейин ҳам юртимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб улуғлашга астойдил ҳаракат қиламан.

Учрашув давомида Президентимизнинг моҳир чавандозларни кўпайтириш учун туман, вилоят ва республика миқёсида от спорти мусобақалари, шунингдек, улоқ-кўпкари, чавгон, пойга каби миллий ўйинларни ташкил этиш бўйича берган топшириқ ҳамда кўрсатмаларидан бениҳоя хурсанд бўлдим. Бу, албатта, мамлакатимизда ҳақиқий мард ўғлонлар камол топишида турткі бўлади.



**Висола АСАДУЛЛАЕВА,
Андижон шаҳридаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси, "Келажак бунёдкори" медали соҳибаси:**

— Ёшлар куни муносабати билан пойтахтимизда ўтказилган байрам тадбиридан олган таассуротларим бир олам. Унда давлатимиз раҳбари иштирок этиб, бизни табриклагани шодлигимизга шодлик қўшди. Юртбошимиз ўз маърузасида бизнинг ёрқин келажагимизни таъминлайдиган қатор таклифларни илгари сурди. Жумладан, Ўзбекистонда ҳар бир йилга қандай ном берилишидан қатъи назар, ёшларнинг билим ва касб-ҳунар эгаллаши, улар учун муносиб иш ҳамда турмуш шароити яратиш масаласи доимо эътибор марказида бўлиб қолишини қайд этди.

Мамлакатимизда таълим соҳасига берилаётган эътибор мен каби илмга чанқоқ ёшларнинг камолоти йўлида муҳим аҳамият касб этяпти. Таълим олишимиз, иқтидоримизни намойиш қилиш, истеъдодимизни шакллантириш учун барча шароит яратилмоқда. Ана шу шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда инглиз ҳамда рус тилларини мукаммал ўргандим. Бу эса муддатидан олдин жаҳоннинг 12 та нуфузли олий таълим муассасасига ўқишга киришимга сабаб бўлди.

Мана шундай муваффақиятлар учун етарли шароит яратиб бераётган давлатимиз олдидаги фуқаролик бурчимни сидқидилдан адо этишга — илмий изланишлар олиб бориш, янги лойиҳалар устида ишлаш, энг муҳими, келажакда муносиб кадр бўлишга аҳд қилганман. Президентимиз Фармонига биноан "Келажак бунёдкори" медали билан тақдирланишим эса бу борадаги интилишларимга янада шижоат бахш этди.

**Соҳиб СУЛАЙМОНОВ,
Қоровулбозор туманидаги "Buxoro Real Moto" масъулияти чекланган жамияти директори, "Шуҳрат" медали соҳиби:**



— Президентимиз Фармонига мувофиқ, бир гуруҳ фаол ёшлар қаторида давлатимизнинг юксак мукофоти билан тақдирландим. Буни катта ишонч деб биламан. Шу ишончни оқлаш йўлида куч-ғайратимни аямайман.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида биз ёшларни табриклар экан, "Сизлар том маънода юртимиз истиқболи, ёруғ келажагимиз бунёдкорисиз!", дея эътироф этди. Бундан ниҳоятда хурсанд бўлдик, кучимизга куч қўшилди.

Корхонамиз вилоятимизнинг чекка туманларидан саналган Қоровулбозорда фаолият юритмоқда. "Lochin" русумли юк мотоцикллари, квадроцикллар ҳамда қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган мотокультиватор ишлаб чиқаряпмиз. Ихчам, ёнилғини кам сарфлайдиган ушбу техника воситалари ўз сифати, қолаверса, ҳамёнбоплиги билан харидорларга маъқул тушмоқда. Биргина ўтган йилда икки мингтага яқин шундай маҳсулотларни тайёрлаб, буюртмачиларга етказдик, улар қишлоқ аҳолиси ташвишларини енгил қилишда қўл келяпти. Муҳими, бу техника воситалари шарофати билан юзлаб ёшлар ўз-ўзини банд қилишмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш эндиликда ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифага айланиб қолди. Негаки, бу қатор ижтимоий масалалар аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш сари йўл очади, шунингдек, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар тайёрлаш имконини беради.

Бу ўта муҳим юмушга биз, ёшлар ҳам ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан ғурурланамиз.

**«Халқ сўзи».**

# ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК САМАРАСИ

1 Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йилнинг декабрь ойидан бошланган ҳамда бу муддат ичида 100 дан ортиқ ҳамкорлик битими ва шартномалар, жумладан, абадий дўстлик ҳақида битим имзоланган бўлса-да, бу битим ҳамда шартномаларни амалга ошириш фақат 2016 йилнинг охирида янги тус олди.

"Сув агар юз парча бўлса-да, яна бир-бирига ёпишади", дейди доно халқимиз. Афсуски, қисқа тарихий даврда икки мамлакат орасидаги яхши муносабатлар осмонида қора булутлар пайдо бўлди. Аммо айнан икки халқ раҳбарлари — Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси, яхши қўшничилик, инсонпарварлик, бир-бирига меҳру муҳаббати туфайли булутлар парчаланиб, бу осмон яна мусаффо бўлди, ўзаро тушуниш, дўстлик ҳамда биродарлик қуёши нурлари порлай бошлади.

Бугунги кунда Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги давлатлараро ҳамкорлик нафақат минтақада, балки бутун дунёда беқиёс саналади ҳамда дипломатик муносабатлардаги олий даражали намуна сифатида талқин этилади.

Икки буюк сиёсий раҳбар — Эмомали Раҳмон ва Шавкат Мирзиёевнинг доно ҳамда узоқни кўзлаган сиёсати туфайли бу икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳани қамраб олган ва аллақачон ўзининг яхши самарасини кўрсата олганлиги ҳам равшан намоён бўлмоқда.

Сиёсий таҳлилчилар фикрларига кўра, Тожикистон мустақилликка эришгандан сўнг охирги 30 йил ичида ҳамиша яқин қўшниси — Ўзбекистон Республикаси билан дўстона сиёсат олиб боришни ва икки томонлама манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишни кўзлаб, бунга эришиш учун қаттиқ саъй-ҳаракатларни амалга оширган. Чунки қўшничилик муносабатларининг яхшиланиши икки томон манфаати учун хизмат қилади.

Шавкат Мирзиёев ташқи сиёсатидаги асосий йўналишларидан энг биринчиси сифатида қўшнилар билан яхши ҳамда манфаатли муносабатларнинг йўлга қўйилиши лозимлигини эълон қилган эди ва бу устувор сиёсат ўзининг сезиларли самарасини берди. Қисқа вақт ичида икки халқ учун ёпилган чегара тўсиқлари очиб ташланди, узоқ муддат бир-бири билан кўриша олмаган ҳамда дийдорига етиша олмаган қавм-қариндошларнинг орзулари рўёбга чиқди.

> *Бугун икки мустақил давлат халқлари фақат мавлоно Абдураҳмон Жомий ва Мир Алишер Навоий дўстлик ҳамда биродарлик муносабатларини ёдлаш билан чегараланмай, ҳар бир тожикистонлик ва ўзбекистонлик илму маърифатга эга фуқаролар икки фарзона фарзандлари — Эмомали Раҳмон ҳамда Шавкат Мирзиёев билан фахрланишлари ва улар бошлаган ишларни муваффақият билан давом эттиришлари лозим бўлади.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил март ойидаги Тожикистонга давлат ташрифи икки мамлакат ва бир-бири билан дўст ҳамда биродар бўлган халқларнинг тарих саҳифаларида абадий қолажак. Чунки ҳамкорлик ўрнатиш ва эзгу ниятларни амалга ошириш мақсадида ташкил этилган ушбу муваффақиятли ташриф ҳар икки мамлакатда миллионлаб одамларга хурсандчилик, қувонч бахш этди ҳамда бахт келтирди.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг Ўзбекистон Республикасига қилган давлат ташрифи ҳам юқори даражада якунланди. Унда савдо-сотиқ, иқтисодиёт ва энергетика, гуманитар алоқалар, хавфсизлик ҳамда мудофаа, транспорт ва сув захираларидан фойдаланиш соҳаларидаги ҳамкорлик бўйича яхши натижаларга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг дўстлик ва яхши қўшничилик муҳитини яратиш бўйича олиб бораётган сиёсати Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон томонидан юқори баҳоланди ҳамда қўллаб-қувватланди. Бундай сиёсат "Тожикистон мақсадларига мос келиши ва ҳамоҳанг эканлиги" таъкидланди.

Давлат раҳбарларининг бир-бирига расмий ташрифлари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги босқич сари бошланиши ва бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жуда ҳам муҳим роль ўйнагани Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон томонидан таъкидланди ҳамда Тожикистон ҳукумати ва халқи номидан Шавкат Мирзиёевга барча саъй-ҳаракат ҳамда эзгу ишлари учун самимий миннатдорлик билдирилди.

Доно ва фозил икки мамлакат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли давлатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми кескин ошди, гуманитар-маданий, иқтисодий-молиявий ҳамкорликлар муштарак дўстлик ҳамда биродарликка таянган ҳолда ривож топди.

Сўнгги йиллардаги коронавирус пандемияси тарқалишида давлат раҳбарларининг бир-бирини қўллаб-қувватлаши, Тожикистон ва Ўзбекистон чегарасидаги назорат пунктларининг тикланиши, икки халқнинг бир-бири томон ҳаракатланишининг соддалаштирилиши, ҳаво алоқаларининг тикланиши, юклар автомобиль транспорти орқали ташилиши, мактаб, мактабгача таълим ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари биноларининг қурилиши, қўшма корхоналар яратилиши ва улар фаолиятининг йўлга қўйилиши икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичга кўтарилишидан далолатдир.

Қолаверса, тожик — ўзбек халқларининг қувончи чексиз, чунки уларнинг бахту саодатдан баҳраманд бўлишлари айнан мамлакатларимиз Президентларининг олиб бораётган доно сиёсати натижасидир. Буларнинг ҳаммаси икки мамлакат халқлари манфаатини кўзлаб амалга оширилаётгани турли соҳаларда яққол намоён бўлаётир.

Шунингдек, Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги абадий дўстлик ҳамда яхши қўшничиликни янада мустаҳкамлаш борасидаги Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасида Стратегик шериклик битимининг ратификация қилиниши ҳам тарихий ҳодиса саналади.

Яқинда мамлакатларимиз халқлари гувоҳи бўлган яна бир тарихий воқеа юз берди. Бу — Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 10-11 июнь кунлари Тожикистон Республикасига расмий ташрифи. Албатта, бу расмий ташрифнинг ўрни ва самараси Тожикистон ва Ўзбекистон давлатлараро муносабатларини янада яхшилашда беқиёсдир.



Музокаралар давомида Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг турли соҳаларига бағишланган масалаларни муҳокама қилдилар. Давлатлар раҳбарлари даражасидаги мунтазам мулоқотлар, икки парламентнинг парламентлараро алоқалари ҳамда дўстлик гуруҳлари, савдо-иқтисодий, саноат соҳаларидаги ҳамкорлик, мавжуд ресурс ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, тўсиқларни йўқ қилиш ҳамда қулай шароитлар яратиш шулар жумласидандир.

Бу ташриф ва мулоқотлар икки томонлама савдо ишларини ривожлантириш, маҳсулотни қайта ишлашга доир қўшма корхоналар яратиш, транспорт ҳамда коммуникация соҳаларидаги ҳамкорлик, сув-энергетика захираларидан комплекс ва ўзаро манфаатли фойдаланиш, қўшма гидроэнергетика лойиҳаларини амалга ошириш, ижтимоий объектларни қуриш, маданият, таълим, фан, спорт, туризм ҳамда хавфсизликни таъминлаш соҳаларида алоқаларни кенгайтириш ва бошқа йўналишлардаги ҳамкорликларнинг ривож топиши учун катта замин яратди. Натижада икки давлат муносабатлари равнақи йўлида 35 дан ортиқ шартнома ҳамда битимлар имзоланишига эришилди.

Улуғ меҳмон — Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари ва расмий делегация аъзолари муҳтарам Эмомали Раҳмон томонидан кутиб олиниши тожикларга хос олий даражадаги меҳмондўстлик ҳамда дўстона шаклда амалга оширилди. Бу, албатта, Тожикистон раҳбари Эмомали Раҳмоннинг Шавкат Мирзиёев ва бутун Ўзбекистон халқига алоҳида муҳаббати ҳамда чексиз ҳурмат-эҳтиромидан далолатдир.

Икки мамлакат раҳбарларининг бундай ўзаро ҳурмат кўрсатишлари Тожикистон ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда биродарлик ришталарини мустаҳкамлашдаги ишончини янада оширади ва улар бу ришталар мустаҳкам бўлишида садоқат билан ишлашлари лозимлигига ундайди.

Бугун икки мустақил давлат халқлари фақат мавлоно Абдураҳмон Жомий ва Мир Алишер Навоий дўстлик ҳамда биродарлик муносабатларини ёдлаш билан чегараланмай, ҳар бир тожикистонлик ва ўзбекистонлик илму маърифатга эга фуқаролар икки фарзона фарзандлари — Эмомали Раҳмон ҳамда Шавкат Мирзиёев билан фахрланишлари ва улар бошлаган ишларни муваффақият билан давом эттиришлари лозим бўлади.

Умид қиламизки, мамлакатларимиз Президентларининг дўст ва биродарлиги давлатчилигимиз саҳифаларида олий даражадаги маънавият ҳамда маърифатга таянган яхши раҳбарлик ва қўшничилик намунаси сифатида тарихимиз саҳифаларида абадий муҳрланиб қолади.

# ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ҚИЛИНЯПТИ?

1

Хусусан, Президентимизнинг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида 556 та давлат активини хусусийлаштиришдан олдин тайёрлаш ҳамда жозибадорлигини оширган ҳолда, хусусий секторга оммавий савдолар орқали сотиш, шунингдек, агентлик томонидан 39 та корхонанинг операцион самарадорлигини кўтариш белгиланган бўлиб, ўтган даврда бу борада муайян ишлар бажарилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 11 февралдаги “Давлат активларини хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш тўғрисида”ги Фармони билан 29 та йирик давлат активи, жумладан, “Қизилсув спорт соғломлаштириш” МЧЖ ҳамда “Белдирсой”, “Чорвоқ” ва “Сижжак” дам олиш масканлари, “Ичан қалъа” меҳмонхона мажмуаси, “Пойтахт” бизнес мажмуаси ҳамда бошқа давлат активларини сотиш назарда тутилган.

Мазкур фармонлар ижроси юзасидан бугунги кунда 541 та давлат улуши мавжуд корхонанинг 247 таси 2,3 триллион сўм қийматда савдога чиқарилиб, шундан 115 таси 611,2 миллиард сўмга сотилди.

Айни пайтда “Coca-cola ичимлиги” корхонаси, “Ўзагроэкспортбанк” ва “Пойтахт банк” тижорат банклари, “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи”, “Кварц”, “Трест-12” корхоналари ҳамда “Кафолат” суғурта компаниясининг давлат улушларини сотиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги “2021 — 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, давлат иштирокидаги корхоналарга нисбатан “сот ёки тушунтир” тамойили амалиётга жорий этилади. Натижада давлат иштирокидаги корхоналар сони 2021 йилда 30 фоиз, 2023 йилда 65 фоиз ва 2025 йилда 75 фоизга қисқариши кутилмоқда.

Давра суҳбатида корпоратив бошқарув, давлат корхоналарини қайта ташкил этиш ва соҳада мавжуд муаммоларни аниқлаш, фикр алмашиш ҳамда замонавий ёндашув ва усуллардан келиб чиққан ҳолда агентлик фаолиятини юритишнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича эксперт кенгашини тузиш мақсадга мувофиқлиги билдирилди.

Ўз навбатида, “Хусусийлаштириш тўғрисида”ги ва “Давлат мулкини бошқариш тўғрисида”ги қонунларни ишлаб чиқиш ҳамда аутсорсинг ва краудсорсинг, давлат ижтимоий буюртмаси, аккредитация, сертификатлаштириш ҳамда бошқа усуллар орқали давлат функцияларини босқичма-босқич хусусий секторга ўтказиш орқали иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш ва самарали рақобат муҳитини шакллантириш, тадбиркорлар учун янада қулай шарт-шароит яратиш масалалари юзасидан ҳам таклифлар ўртага ташланди.

**«Халқ сўзи».**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОКИСТОН ЎРТАСИДА СИЁСИЙ МАСЛАҲАТЛАШУВ

1

Бугун ушбу саммит якунлари бўйича эришилган келишувлар ва имзоланган битимлар, шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм соҳаларидаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш каби муҳим вазифалар белгилаб олинди.

— Июль ойи ўрталарида Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хоннинг Ўзбекистонга ташрифи кутилмоқда. Тадбирда ташкилий ишлар келишиб олинди. Мазкур ташриф доирасида Покистон томони Тошкентда бўлиб ўтадиган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” халқаро конференциясида иштирок этади. Бундан ташқари, Ўзбекистон — Покистон ўртасида музокаралар ўтказилади. Ушбу учрашувлар Покистон учун нафақат икки минтақа ўртасида, балки Марказий Осиёда прагматик ташқи сиёсатини янги босқичга олиб чиқади, — деди Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Фурқат Сидиқов.

Конференцияда минтақавий масалалар, биринчи навбатда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ҳамда инфратузилма лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш орқали мамлакат иқтисодиётини тиклаш тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Беҳруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# «ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ» – ЭНГ ТЎҒРИ ЕЧИМ

1

Айни вақтда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш, шу жумладан, Орол фожиаси салбий оқибатларини камайтириш, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва экологик жиҳатдан қайта тиклаш нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё учун ниҳоятда долзарб ҳисобланади. Шундай шароитда биз олиб бораётган ислоҳотлар доирасида юртимизнинг “яшил иқтисодиёт”га ўтиши ҳамда барқарор ривожланиш мақсадларига самарали эришиш жараёнини тезлаштиришга қаратилган масалалар илгари сурилиб, иқлим ўзгаришига қарши курашиш устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олинаётгани диққатга сазовор.

Орол денгизининг қуриган ҳавзасида иқлим ўзгариши бошқа минтақаларга қараганда анча интенсив бўлиб, дунё иқлим ўзгариши кўрсаткичидан икки марта ортиқ эканини айтиш жоиз. Айниқса, йилнинг иссиқ даврида кундузги ҳарорат ошиб, ҳаво нисбий намлиги камаймоқда, шу билан бирга, ҳарорат 40 даражадан юқори бўлган кунларнинг сони ортиб бормоқда.

**Шу муносабат билан юртимизда қуйидаги чоралар кўрилмоқда:**

- минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашнинг сиёсий ечимлари изланмоқда;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда;
- Тараққиёт дастури ҳамда стратегиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ишлари амалга оширилмоқда;
- инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишга ҳам катта эътибор берилмоқда;
- экология соҳасида етакчи экспертлар иштирокида илмий-амалий форумлар ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, бугунги кунда Оролбўйида иқтисодий, ижтимоий ва экологик ҳолатни яхшилаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаётир. Денгизнинг қуриган тубида фақатгина сўнгги уч йил, яъни 2018 йил декабрдан то 2021 йил март ойигача 1 миллион 700 минг гектар майдонда саксовул экилди.

Хўш, бу қандай муҳим масалаларни ечишга ёрдам беради?

Аввало, атроф-муҳит ҳолати юмшаши учун шароит яратилади ва табиий ресурслар таназзулга учрашининг олди олинади.

Айни чоғда денгизнинг қуриган тубида қумни максимал ҳажмда ушлаб қолиш таъминланади.

Ҳар хил ёввойи ҳайвонларнинг кўпайиши ва тарқалиши учун эса қулай экотизим шаклланади.

Қолаверса, чўл ўрмонлари майдони кенгайиши минтақада биохилмахиллик ошиши ва иқлимнинг юмшашига шароит яратиб беради.

Ўзбекистоннинг муҳим ташаббусларидан яна бири аҳоли сони ўсиши, ер-сув ресурслари танқислиги таҳдид солаётган бир пайтда минтақада озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси ечимига йўналтирилган “ақлли” қишлоқ хўжалиги ҳамда агроинновацияни амалга жорий этиш бўйича ҳамкорлик концепциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилишдир.

Зеро, бугун бизда ҳам, жаҳоннинг бошқа мамлакатларида ҳам органик ўғитлардан фойдаланадиган деҳқончилик, “ақлли” қишлоқ хўжалиги, юқори ҳосилдорлик ва оғир тупроқ-иқлим шароитига чидамли қишлоқ хўжалиги генотипини яратиш соҳаларидаги илмий-инновацион ишланмаларга бўлган эҳтиёж ошиб боряпти.

Ўзбекистон энергетика сектори “яшил иқтисодиёт”га ўтиши жараёнида қайта тикланувчи энергия соҳасини ривожлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

“Яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёнида экологик тоза транспортни кенг ривожлантириш ҳам асосий омиллардан саналади.

Бу ҳақда гап кетаркан, “яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёнида таълим ва фан муҳим роль ўйнашини қайд этиш зарур. Негаки, аҳолининг экологик маданияти қанчалик юксалса, “яшил иқтисодиёт” ғоясини ҳаётга татбиқ қилиш шунчалик осон кечади. Бу борада муайян ҳаракатлар бошлаб юборилган. Хусусан, 2019 йилда Ҳукуматимиз томонидан Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш бўйича концепция тасдиқланган бўлиб, унда таълимнинг барча босқичида узлуксиз экологик таълим ва тарбия тизимини жорий этиш назарда тутилган.

Умуман олганда, барқарор ва экологик жиҳатдан тоза ҳисобланган “яшил иқтисодиёт”га ўтиш қўшимча иш ўринларини яратишга ҳамда қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш тармоқлари ва қурилиш индустрияси, шунингдек, бошқа соҳалар ривожига ижобий маънода туртки бериши, шубҳасиз. Зотан, ҳозирги пайтда “яшил иқтисодиёт” муаммоларнинг энг тўғри ечимидир.

**Борий АЛИХОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси,**
**Баҳодир ШУКУРОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси экспертлар кенгаши аъзоси.**

Жамоатчилик кенгашлари:

# ОЧИҚЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ ВА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ОЛДИ ОЛИНАДИ



*Содир этилган жиноятлар бўйича далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда қонунийлик ҳамда холислик келгусида жиноят содир этган шахсга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Лекин амалдаги қонунчиликда бўшлиқлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг барчаси ҳам ўз касбининг ҳақиқий устаси эмаслиги сабабли жиноятларни фош этиш, айбдор шахсларни аниқлаш борасида қонунда назарда тутилган ваколатлари доирасида чуқур ўйлаб, профессионал ҳаракат қилиш ўрнига қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатлари амалиётда ҳали ҳам учраб турибди.*

**Фикр**

Кейинги йилларда мамлакатимизда жиноят процесси иштирокчиларига ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан руҳий, психологик, жисмоний ёхуд бошқача тарзда босим ўтказиш, қийноққа солиш, шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи бошқа муомала турларини қўллашга мутлақо йўл қўйилмаслиги, бундай жиноий қилмишларни содир этган ҳар қандай шахс, у ким бўлишидан қатъи назар, муқаррар жавобгарликка тортилиши борасида давлатимиз раҳбарининг бир нечта Фармон ва қарорлари қабул қилинди ҳамда қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Бу йўналишда ҳам очиқлик таъминланиб, аниқланган қийноққа солиш ҳолатлари юзасидан маълумотлар жамоатчиликка тақдим қилинмоқда ҳамда ҳар бир ҳолат ва унинг натижасига ўз нуқтаи назарини баён қилиш имконияти берилмоқда.

Ҳуқуқбузарлик ёки қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишда махсус ваколатли орган ва идораларга кенг ваколатлар берилгани билан кутилган натижага эришилмаслиги, ундан кўра ҳар бир жараёнга жамоатчилик жалб қилиниб, самарали жамоатчилик назорати ўрнатилса, ижобий натижаларга эришиш мумкинлигини даврнинг ўзи кўрсатмоқда.

Фаолиятидан жамоатчилик ҳамма вақт ҳам хабардор бўлавермайдиган идоралардаги бу каби муаммоларни бартараф этишда давлатимиз раҳбари томонидан 2021 йил 26 июнь куни қабул қилинган “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу ҳужжатда қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш фаолиятига фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш ҳамда уларнинг давлат органлари билан самарали ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳузурида қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик гуруҳлари ташкил этилиб, унинг таркибига Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ экспертлари, тиббиёт ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятлари бошқа институтлари вакилларининг жалб қилиниши белгиланди.

Жамоатчилик кенгашлари гаупвахта, махсус қабулхона, вақтинча сақлаш ҳибсхонаси, жазони ижро этиш муассасаси, интизомий қисм, мажбурий даволаш муассасаларида қийноққа солишнинг олдини олиш бўйича мунтазам равишда мониторинг ташрифларини амалга оширади ҳамда бу ташкилотлардаги сақлаш шарт-шароитларини ўрганиб, натижаларини жамоатчиликка эълон қилиб боради.

Шунингдек, қийноққа солиш ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш ва қийноққа солишдан жабрланганларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ҳамда тиббий ёрдам кўрсатилишида қатнашади, қийноққа солиш ҳолатларини тезкор бартараф этиш бўйича тегишли давлат органига талабномалар тақдим қилади.

Жамоатчилик кенгашлари бу таркибда тузилишида ҳам ўзига хос маъно бор. Сабаби, бу ҳолатда очиқлик таъминланади, манфаатлар тўқнашувининг олди олинади ҳамда ҳар бир ҳолат холис ва адолатли кўриб чиқилишига олиб келади. Идоравий манфаатлар ҳимояси бўйича ҳаракат қилинмайди.

Қарор билан гаупвахта, махсус қабулхона, вақтинча сақлаш ҳибсхонаси, жазони ижро этиш муассасаси, интизомий қисм, мажбурий даволаш муассасаларига жойлаштирилган шахс ҳақидаги маълумотлар ва уни қабул қилишга асос бўлган ҳужжат нусхалари маъмурият томонидан ягона электрон реестрга киритиб борилиши ҳамда суд, ҳуқуқни муҳофаза қимлувчи органлар ва Омбудсман учун мазкур маълумотлар билан танишиш имкониятлари яратилиши белгиланмоқда. Бу тартибнинг жорий этилиши қийноққа солиш ҳолатлари қўлланганлиги тўғрисидаги маълумотларга зудлик билан муносабат билдириши лозим бўлган ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ва Омбудсманнинг фаолиятини самарали амалга оширишга хизмат қилади.

Шу ўринда парламент ҳам қарорда белгиланган вазифаларнинг ижросини тўлиқ таъминлаши учун барча ҳуқуқий асосни яратиш борасида манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ишни ташкил этиши лозим бўлади.

**Шерзод ТЎХТАШЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

**Долзарб мавзу**

*Ўзбек оиласида бола дунёга келиши жуда катта қувонч билан кутиб олинади. Зеро, халқимиз азалдан болажон. Лекин ҳаёт ҳар доим ҳам бир текис эмас. Кимлардир фарзанд кўриш бахтидан мосуво. Табиийки, бундай оилалар фарзанд асраб олишга қарор қилади. Таҳлилларга қараганда, айни пайтда мамлакатимизда фарзандликка олиш истагини билдирган шахслар 4 мингдан ортиқ экан.*

# БУ ФАРЗАНДЛИККА ОЛИНАЁТГАН БОЛАЛАРНИНГ КЕЛАЖАГИ УЧУН ҲАМ МУҲИМ



Айтиш жоизки, фарзанд асраб олиш ҳам ўз-ўзидан бўлмайди. Мазкур жараённинг ҳам ўзига яраша ҳуқуқий талаблари бор.

Ана шу талабларни соддалаштириш, фарзандликка олувчиларга енгиллик яратиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси томонидан “Фарзандликка олиш тартибининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси атрофлича кўриб чиқилди.

Бугунги кунда фарзанд асраб олиш истагида навбатда турганларнинг сони фарзандликка берилаётганларга (ҳар йили ўртача 200 нафар бола) нисбатан анча юқорилигича қолмоқда. Демак, амалдаги қонунчиликда бу борада бўшлиқлар мавжуд.

Мисол учун, доимий даромадга эга бўлмаган ёки соғлиғи ҳолатига кўра ота-оналик ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажара олмайдиган шахсларнинг фарзандликка олиш ҳуқуқларини чеклаш қонунда аниқ белгиланмаган. Оқибатда фуқаролар томонидан ноқонуний йўллар билан фарзанд асраб олиш, шу жумладан, бола савдоси каби ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2017 — 2020 йилларда ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида чақалоқ савдоси билан боғлиқ 185 та жиноят аниқланган ва ушбу жиноятлар бўйича 286 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган.

Шунингдек, амалдаги қонунчиликка кўра, қасддан содир этган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинган шахсларнинг вояга етмаган болани фарзандликка олишларига йўл қўйилмайди, деб белгиланган.

Кўриниб турибдики, бу борада ечимини кутаётган масалалар кўп. Шу боис Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 176-бандида фарзандликка олиш амалиётини ўрганиш ҳамда бу бўйича ҳуқуқий асосларни қайта кўриб чиқиш белгиланди.

Унга кўра, “Фарзандликка олиш тартибининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қонун лойиҳасида Оила кодексининг фарзандликка олиши мумкин бўлган шахслар (152-моддаси) рўйхатида муқаддам қасддан жиноят содир этган шахслар томонидан фарзандликка олинишига тақиқ ўрнига қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги даражасига қараб шахсга фарзандликка олишни тақиқлаш қоидаси жорий этилмоқда.

Бундан ташқари, оғир (5 йилдан 10 йилгача) ва ўта оғир (10 йилдан ортиқ) турдаги жиноятларни содир этган, шунингдек, фарзандликка олиш вақтидан олдин бир йил давомида доимий даромадга эга бўлмаган ёки ойлик иш ҳақи меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан оз бўлган даромад оладиган фуқароларга, фарзандликка олишга монелик қиладиган касалликларга чалинган шахсларга фарзандликка олиш тақиқланмоқда.

Шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар ҳамда жамоат тартибига қарши жиноятлар ва ҳарбий мансабдорлик жиноятларини содир этган шахсларга фарзандликка олиш тақиқланмоқда.

Мазкур қонунни қабул қилиш ва унинг нормаларини аниқ баён этишдан асосий мақсад — битта. Яъни бола ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини тўлақонли таъминлаш, болаларни қонунга зид равишда фарзандликка олиш, айниқса, бола савдоси ҳолатларининг олдини олишга кўмаклашишдан иборатдир.

Соддароқ айтганда, қонун лойиҳасига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар асраб олинаётган боланинг маънан ҳамда жисмонан соғлом оила аъзосига айланишига хизмат қилади. Бу фарзандликка олинаётган болаларнинг келажаги учун ҳам муҳимдир.

**Шаҳноза ХОЛМАХМАТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси.**

# ОШКОРАЛИК КОРРУПЦИЯ ИЛЛАТИНИНГ ПАЙИНИ ҚИРҚАДИ

*Мамлакат ҳаётида юз бераётган ўзгаришларни одамлар ўз вақтида билиши, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти эса очиқлик, шаффофлик асосида жамоатчилик назоратида бўлиши жамият тараққиёти учун ўта муҳим. Бу — демократия мезони ҳисобланиб, биринчи навбатда, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ташаббускорлигига ижобий таъсир кўрсатади.*

**Муносабат**

Президентимизнинг “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан бу борада залварли ўзгаришларнинг ҳуқуқий пойдевори қўйилди.

Тан олиш керак, мамлакатимизда очиқ эълон қилиб бориладиган маълумотларнинг аниқ рўйхати ва янгилаб бориш даврийлиги белгиланмаган эди. Шу боис давлат органларининг фаолияти жамоатчилик учун том маънода очиқ ҳамда шаффоф деб айта олмаймиз.

Фармон билан барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, давлат улуши 50 фоиз ҳамда ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналари томонидан очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган 33 та банддан иборат ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати тасдиқланди.

Эндиликда жамиятда очиқликка эришишда жамоатчилик назоратини кучайтиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Очиқлик ва ошкоралик йўлидаги қатъий қадамлар эса порахўрлик, таниш-билишчилик, тамагирлик каби иллатларнинг пайини қирқиши, шубҳасиз.

Ҳужжатда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш орқали жамоатчилик назоратини такомиллаштириш масалаларига катта эътибор қаратилган. Эндиликда барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, Ҳисоб палатаси, Марказий банк, суд ҳамда прокуратура органлари ва уларнинг таркибий ҳамда ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари ўз фаолиятига оид ҳисоботларни расмий веб-сайтларига жойлаштиради ва уни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ҳамда вақти ҳақида хабар беради.

Ҳисобот ва маълумотларни веб-сайтлар орқали кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинишидан кўзланган асосий мақсад аҳолининг давлат ташкилотлари ҳамда корхоналари ҳақидаги тасаввурларини бойитиш, иш фаолияти натижалари ҳақида етарли тушунчага эга бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Очиқликнинг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, мамлакатимиз иқтисодий юксалиши, тараққиётини таҳлил қилиш ва бошқа хорижий давлатлар билан қиёслаш имконияти пайдо бўлади. Бу эса турли ижтимоий тармоқлардаги фисқу-фасодларга, асоссиз таъна-дашномларнинг камайишига, энг муҳими, айрим амалдорларнинг давлат маблағини ўмаришига чек қўяди.

Шу сабабли Фармонда 2021 йил 1 июлдан бошлаб мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари билан солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар, жумладан, индивидуал имтиёзлар берилган субъектларнинг бенефициарлари улар томонидан тўланган солиқлар ва молиявий кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар порталига ҳамда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириб, уларни ҳар чоракда янгилаб бориш белгиланди.

Маълумотларга кўра, 2019-2020 йилларда олий ўқув юртлари тизимида 277 мансабдор, хусусан, 113 нафари пора беришга далолат қилиш, 97 нафари мулкни ўзлаштириш, 33 нафари пора бериш ва олиш, 9 нафари мансабини суиистеъмол қилиш ҳамда 25 нафари бошқа турдаги жами 6 миллиард сўм зарар етказиш билан боғлиқ коррупциявий жиноятларни содир этган.

Шаффофлик ва очиқликни таъминлаш мақсадида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб олий ўқув юртига кириш, хорижий ёки маҳаллий олий ўқув юртидан республиканинг бошқа олий ўқув юртига ўқишни кўчириш, хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олишда талабгорлардан олинадиган имтиҳонлар интернетда жонли эфирга узатилади.

Умуман, ушбу ҳужжат давлат бошқарувини амалга оширишда аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйиш, давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари самарали ҳамкорлигини таъминлашга, пировардида коррупцияни қисқартиришга хизмат қилади. Коррупциянинг бартараф этилиши давлат, жамият ва халқимизнинг эркин ҳамда фаровон ҳаёт қуриши, мамлакатнинг янада гуллаб-яшнашида муҳим омилдир.

**Улуғбек ҒАНИЕВ,**
**Чиноз тумани прокурори.**



Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги

# БУЮК АЖДОДИМИЗГА ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 19 октябрдаги “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорида Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрида жойлашган улуғ аждодимиз мақбараси мажмуасида қурилиш ҳамда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш имкониятларини ўрганиб чиқиш вазифаси белгилангани миллий ғурури баланд халқимизнинг кўнглидаги гап бўлди.*

*Зотан, неча асрларки, юртдошларимиз буюк бобомиз — сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг Ҳиротда абадий қўним топган файзли қабрини зиёрат қилишни жуда-жуда истайди. Ҳирот сари талпинади. Бунга тарихдан истаганча мисоллар топиш мумкин.*



Бу ҳақдаги илк маълумотлар ўз даври тарихий манбаларида учрайди. Ёрқин мисол сифатида мутафаккирнинг ўзи тарбиялаган мумтоз муаррих Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” ва “Хулосат ул-ахбор” ҳамда замондоши Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарларида қайд этилган Алишер Навоий мақбарасининг бунёд бўлиши, бу эзгу ишни кишилар катта хайрихоҳлик, юксак эътибор ва меҳр-муҳаббат билан қўллаб-қувватлагани ҳақидаги маълумотларни эслаш, кифоя.

Ҳазрат Навоий мақбараси Ҳирот шаҳри ташқарисидаги Мусалло марказида, Инжил ариғининг жанубий қирғоғида жойлашган. Афғонистон Маданият ва ахборот вазирлигининг маълумотларига кўра, ҳазрат Навоий мақбарасининг асл кўриниши тасвирга туширилган видеолавҳа ҳам мавжуд. Мақбара бугунги кунда ана шу видео асосида қайта қурилиши керак. БМТнинг маданият жамғармаси — ЮНЕСКО ҳам Алишер Навоий мақбарасининг темурийлар Уйғониш даври меъморчилик услубига мос бўлишини талаб қилган.

Мазкур гумбазли оддий бинони 1947 йилда Гавҳаршодбегим мақбарасига қиёслаб улуғ шоирнинг мухлиси, ҳиротлик савдогар ҳожи Ғуломҳайдар Мухторзода ўз маблағи ҳисобига қурдирган. Мақбара безаксиз, хона ўртасида кичик дахма қора мармар билан қопланган, унда насталиқ хатида “Ҳазрат Амир Кабир Низомиддин Алишер Навоий Хиравий. Таваллуди 844, вафоти 906 ҳижрий, “Донишпарвар вазир” деган сўзлар битилган. Мазкур қабртош 1967 йилда Кобулдан келтириб ўрнатилган.

Буюк аждодимизнинг мангу қўним топган манзилини зиёрат этиш, айниқса, қўлига қалам олган ижодкорлар, тадқиқотчилар, адабиётга ошуфта инсонлар учун юксак маслакдир.

Ҳазрат Навоийнинг мақбарасини энг аввал зиёрат қилган машҳур инсонлардан бири — шоҳ ва шоир Бобур Мирзо саналади. У 1506 йилда Ҳиротда бўлганида даҳонинг “Унсия”сида 20 кун яшаган ҳамда у қурдирган муҳташам тарихий обидаларни, жумладан, унинг мақбарасини зиёрат қилган ва кўрган-кечирганлари ҳақида муҳташам “Бобурнома”да маълумотлар ёзиб қолдирган.

1918-1919 йилларда Ҳиротда элчи бўлган маърифатпарвар адиб Абдулла Авлоний ҳам буюк бобокалонимиз қабрини зиёрат қилган. Тўғри, у “Афғонистонга саёҳат” асарида Кобулда “Боғи Бобур”да жойлашган Мирзо Бобур мақбарасини зиёрат қилганини алоҳида қайд этган. Аммо ҳазрат Навоий мақбараси зиёрати билан боғлиқ маълумотни битмаган бўлса-да, унинг икки йил муддатда Ҳиротда элчи бўлиб туриши даврида ҳазрат Навоийнинг мақбарасини зиёрат қилиши табиий эди.

Буюк мутафаккир тўғрисида достон, қисса, роман каби жанрларда ўқишли асарлар битган ва лирикаси бўйича яхши тадқиқотлар олиб борган адиб Ойбек ҳам маълум муддат Ҳиротда бўлган ҳамда муборак мақбарани зиёрат қилган. Шоир Ғафур Ғулом ҳам Алишер Навоий мақбараси зиёрати асосида “Ҳирот” номли бир туркум шеърлар ёзган.

Шоир “Алишер Навоий қабри устида” номли шеърида кучли соғинч билан шундай сатрларни битади:

*Дилим равшанлигин ҳиссим йўлида офтоб айлаб,*
*Мазоринг бошида таъзим ила турмакдадурмен сарҳисоб айлаб,*
*Кулоғинг сўз эшитмас бўлса ҳам қалбдан хитоб айлаб,*
*Ватандошлар саломин неча жилдли бир китоб айлаб*
*Навоий деб Мусаллога келибмен интихоб айлаб.*

Навоийшунос олимлар ҳам улуғ бобомизнинг мақбарасини зиёрат этишни ният қилишган. Жумладан, бу орзу рўёбини кўриш таниқли навоийшунос Абдуқодир Ҳайитметовга насиб этган. Олим Ҳиротда илмий сафарда бўлганида ҳазрат Навоийнинг мақбарасини зиёрат қилади, расмларга олган ва бу ҳақда “Навоийхонлик суҳбатлари” китобида алоҳида бир мақола шаклида батафсил баён этган. Фикримизча, устознинг буюк мутафаккир билан боғлиқ тадқиқотлари пухта, самимий ва ўқишли чиқишида мазкур зиёратнинг таъсири бўлган. Ўзбекистон Қаҳрамони Суйима Ғаниева Навоий мақбарасини зиёрат қилишни бир умр орзу қилиб ўтди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди томонидан Ҳиротга бир неча илмий экспедициялар уюштирилди. Уларнинг натижаси ўлароқ, Алишер Навоий мақбарасининг бугунги ҳолати, тарихий кўриниши ва уни таъмирлаш зарурати ҳақида маълумотларга эга бўлиб турдик.

Айтиш жоиз, Президентимизнинг қарори асосида буюк аждодимиз мақбараси мажмуасида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш чора-тадбирлари белгилангани қалбимизни нурафшон этди. Асрлар мобайнида элимизнинг юрак тубида сақланган орзулари рўёбига ишонч берди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, адабиётшунос олимлар, тарихчилар, қурилиш соҳаси мутахассисларидан тузилган махсус ишчи гуруҳ Ҳирот шаҳрида бўлиб, мажмуани қайта қуриш, мавжуд мақбарани таъмирлаш, атрофини ободонлаштириш бўйича янги лойиҳа учун маълумотлар тўплади.

Ҳазрат Навоий мақбарасининг обод этилиши, халқимизга бу муборак жойни зиёрат қилиш учун кенг имкониятлар яратилиши, нафақат буюк аждодимизга ҳурмат-эҳтиром ифодаси, балки бу савобли иш мана шу эзгу истак йўлида умрини бағишлаган инсонлар руҳини ҳам шод этиши, шубҳасиз.

**Буробия РАЖАБОВА,**
**навоийшунос олима.**

## ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

### Жиззахда 150 нафар битирувчига сертификатлар топширилди

*Жиззах вилоятидаги “Ишга марҳамат” мономарказида қурилиш соҳаси бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш марказининг илк битирувчиларига сертификатлар топширилди.*

Мономарказда Россия Федерацияси, Краснодар ўлкаси, Усть-Лабинск шаҳридаги “Новые люди” масъулияти чекланган жамияти вакиллари томонидан қурилиш соҳасида ишлаш истагида бўлган фуқаролар учун танлов ташкил этилди.

Қурилиш соҳаси бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш маркази битирувчилари ҳам эгаллаган мутахассисликлари бўйича ушбу танловда қатнашди. Ундан муваффақиятли ўтган фуқаролар тез кунда Россия Федерациясида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун ташкилий тартибда юборилади.

### Жомбойда томорқачиликни ривожлантириш ўқув маркази очилди

*Ўқув маркази фаолиятини йўлга қўйишда Президентимизнинг Самарқанд вилоятига ташрифи давомида берган топшириқлари асосида томорқачиликда энг сўнгги технологияларни қўллаш, экинлар экишда илм-фан ютуқларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

— Марказ ўқувчиларига томорқачилик кластерининг ўқув амалиёт майдонида тажрибали деҳқонлар, агрономлар, олимлар сабзавот экинларини экиш ва етиштириш бўйича зарур тавсиялар бермоқда, — дейди Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг Самарқанддаги вакили Шомирза Сафаров.

Қайд этиш керакки, янги ташкил бўлган ўқув маркази қошида 12 гектар майдонда очиқ ва ёпиқ усулда деҳқончилик қилиш бўйича тажрибалар қўлланилади.

**«Халқ сўзи».**

Футзал

## Терма жамоамиз ЖЧга тайёргарлик кўрмоқда

*Жорий йилнинг 12 сентябрь — 3 октябрь кунлари футзал бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Литва мезбонлик қиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этади. Унда юртдошларимиз “В” гуруҳида Россия, Гватемала ва Миср терма жамоаларига қарши паркетга чиқади.*

Яқинлашиб келаётган мундиалга муносиб тайёргарлик кўриш мақсадида футзалчиларимиз жаҳоннинг етакчи миллий терма жамоалари билан ўртоқлик учрашувлари ташкил этмоқда.

Хусусан, Баҳодир Аҳмедов шогирдлари 27 август куни Европанинг кучли футзал терма жамоаси — Португалияга қарши тўп суради.



ЎФА матбуот хизмати тарқатган маълумотга кўра, жаҳон чемпионатига тайёргарлик режасига асосан, футзалчиларимиз 3 — 18 июль кунлари Тошкент шаҳрида ўқув-машғулот йиғинини ўтказади. Бош мураббий Баҳодир Аҳмедов ушбу йиғин учун 20 нафар футзалчини жалб қилган. Терма жамоамизнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш ва дарвозабонлар маҳоратини янада яхшилаш мақсадида испаниялик Карлос Корона Суарес ҳамда Аркаитз Сисниега Гомес мураббийлар штабида иш бошлайди.

**«Халқ сўзи».**



# ФОЛЬКЛОР САБОҚЛАРИ

*Мамлакатимизда халқ оғзаки ижоди ва бахшичилик санъатини ўрганишга, чуқур тадқиқ этишга, тарғиб қилишга юксак даражада эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, турли халқларнинг миллий ўзлигини, уларнинг тили ва ҳаёт тарзини, анъана ҳамда урф-одатларини ифода этадиган бахшичилик санъати умумбашарий маданиятнинг узвий қисми сифатида барчамиз учун қадрлидир.*

Қадрият

Хўш, миллий фольклор намуналари, халқ достонлари моҳиятан бизга нима ҳақда сўзлайди? Бу борада фикр юритар эканмиз, мушоҳада кўламини кенгроқ олишга тўғри келади.

Англаймизки, одам ниманики ўзига яқин тутса, шунга тақдирдошлик ҳиссини туяди. Аҳли оиласи, қавму қариндоши, дўсту яқини, таниш-билишининг қувончу қайғусига шерик яшайди. Билмаганларининг ҳаёти эса унчалик қизиқ эмасдек, эшитса, балки бир зум ҳамдардлик туюши мумкин, аммо, асосан, бир ахборотдек қабул қилади.

Агарда бизнинг онгу қалбимизга ота-она, оила, фарзанд, қавму қариндош деган ришталар билан боғлиқ “дастур” киритилмаганда нима бўлар эди, бир ўйлаб кўрайлик. Одамзод бу ҳолатида ўзидан ортиб бировга қайишиши қанчалар муаммолар пайдо қиларди?!

Киши қачонки кўнглида ана шу қариндошлик тўрларидан юксалиб, барчани — ирқи, миллати, жинси, ёши, дини, дунёқарашларига кўра айирмай, оқу қора деб фарқламай, баробар билса, туғишганидан-да ортиқ “боғлиқлик риштаси” билан табиий эту тирноқдай боғланса, чинакам комиллик мақомига эришади. Аслида барча динлар, мифу маросим, урфу одат, фольклору фалсафа, адабиёту санъатнинг моҳиятида ана шу ғоя туради. Шу ғоя билан тўйинган қалб эгаси, ақл соҳиби табиатдаги барча мавжудот тўдалашиб ягона мақсад сари интилганида эриша оладиган “Улкан билим” ўзанига табиий боғланган бўлади.

“Улкан билим” нима? У бутун олам, борлиқнинг азал-абад тақдири дастурлашган билимлар мажмуаси. Бутун тирик мавжудотга ушбу билимнинг бирламчи босқичи берилган. Бу босқич ўзагида табиий инстинкт туради. Фақат олий мавжудот — инсонгина навбатдаги босқичлар тизимига ўта олиш имконига эга. Олимлар ҳайвоноту турли мавжудотлар — ҳашаротлар, қушлар, балиқлар ва бошқаларнинг мавсумий кўчишларда тўғри йўлни топиб, манзилдан адашмай боришини, тўда бўлиб ҳаракат қилишини, фасллар алмашинуви билан боғлиқ кечувчи табиий жараёнлар тартибини сезиб мослашувини “Улкан билим” билан боғлаб, изоҳлашади. Ёлғиз эса адашишга маҳкум экан. Худди шунингдек, инсондаги оммавий ижоднинг асоси, негизини тутиб турувчи анъаналар ҳам “Улкан билим” меваси



ҳисобланади. Инсондаги бирламчи дастур ҳам ушбу билимга боғланган. Кишининг аҳли оила, қавму қариндош, дўсту яқин, таниш-билишининг қувончу қайғусига тақдирдошлик ҳиссини ҳам “Улкан билим” сабоғи англатиб турар экан.

Одамзодни “Улкан билим”нинг навбатдаги босқичларига олиб чиқиш учун кўкдан “илоҳий каломлар” берилган. Инсон табиатида адашишга мойиллик бор. У англатганларни ўзича бичиб, талқин этади, хоҳиш-истагига мослашга уринади. Ўз ҳақиқатини жорий этишга жон-жаҳди билан интилади. Шу сабабли бир юз йигирма тўрт минг пайғамбар орқали келган “илоҳий каломлар” ўзгарди. Фақат “Қуръон”гина Яратганнинг ўзгармас сўнгги Сўзи бўлиб қолди, чунки бу пайт инсоният “болалик” давридан (омма босқичида) ўтиб, ўзини ўзи таниш даражасига етган эди. Қуръонгача келган Сўзлар изсиз йўқ бўлиб кетмади. Инсониятнинг мифологик тафаккури маҳсули тарзида ибтидо ва интиҳо, бутун олам, коинот, қуёшу сайёралар, юлдузлар тузилиши, ҳаракат тартиби, мавсуму вақт мароми ҳақидаги билимлар рамз ҳамда тимсол тилида айтилди. Маросиму урф-одатлар шаклида амал қилиб, “Улкан билим”нинг изоҳи, оқоваси бўлиб етиб келди. Мифлардаги билим бугунги кунда қандай шаклларда келаётган бўлмасин мағзида “Улкан билим”нинг моҳияти турибди. Шу сабабли биз миф манбасини “Илоҳий каломлар”га боғлаб англаймиз. Миф асл диний таълимот издан чиққан жойдан бошланади. Фольклорнинг асоси эса ана шу билимларнинг бадиий-эстетик шаклдаги турли кўринишларидир.

Дин ва миф одам наслининг ибтидосини Одам ҳамда Ҳавога боғлайди. Турли халқларда илк одам ва аёлни турлича номлаш мумкин, лекин Сўз замирида ягона тушунчалар, англамлар туради. Бу кунгача аниқ фанлар исботлаб келаётган қонуниятлар муқаддас битик ҳамда мифларда рамз ва тимсоллар тилида баён этганлигини босқичма-босқич кўриб бормоқдамиз. Фақат битик ҳамда мифларнинг рамз ва тимсолларини тўғри шарҳлай билсак бўлди. Битик ҳамда мифларнинг рамзий ва тимсолий тилини фольклор мерос сифатида олди, анъаналарида давом эттирди, ривожлантирди, бадиий-эстетик мағиз қўшди.

Эпос фольклорнинг ўзак жанри ҳисобланади. Ибтидоси мифологик тафаккур ва сюжетлар замирида ривож топган эпосда бош масала этнос тақдири, тарихини бадиий-эстетик ўзанда куйлаш, авлодлар ёдида сақлаш сифатида номаён бўлади. Бўрк бошга муносиб келганидек, қайсики этнос тақдири, тарихи эпоси ривожига замин яратиб бера олса, ўша халқ фольклорида эпоснинг мумтоз намунаси пайдо бўлади. Ўзбек фольклорида “Алпомиш” достонлари айнан шу типдаги нодир эпос намунаси ҳисобланади.

“Алпомиш” воқеасини “айрилиқ” ва “бирлашув” достони деб содда мазмунга келтириш мумкин. Бир авлод хато қилади, навбатдаги бўғим ўнглайди. Оила — салтанат таназзулга юз тутади, яна қайта қувватга эниб, қад ростлайди, ўзлигини намоён этади. Нима учун айнан ушбу сюжет пайдо бўлди? Нега барча ҳақиқатлар ушбу воқеа тизимида қурилди? Жавобни эпос яратувчиси бўлмиш халқнинг кечмиши, тарихи айтади.

Тарих саҳнасида бугун ўзбек номи билан танилган этнос кечмишда айни ҳолат энг долзарб масала бўлганлигига далиллар, мисолларни исталганича топиш мумкин. Бу кунгача “бўлиниб, бирлашув”нинг “болу заҳри”ни бизнинг аждодларимиз кўп тотган. Тақдирнинг ошиғи туну кундек айланиб тушаверди, гоҳ чикка, гоҳ пука, гоҳ олчи турди. Узоқларга кетиш шарт эмас, яқин беш-олти асрда кечган воқеаларни яхлитлаштириб хаёлан ёдлайлик: соҳибқирон Амир Темур тузган салтанат нуради, чархнинг ғилдираги қуйига инди… Уч хонлик бўлди… ички низо, келишмовчиликлар авжига чиқди. “Бўлинганни бўри еди” — XIX асрнинг иккинчи ярмида Чор Россияси юртни босиб олди. XX аср бошида қизил империя бутунлай домига тортди. Яна вақти етди, аср сўнгида халқимиз истиқлолга эришди, мустақил бўлди, давлатчилик анъаналари қайта тикланди…

Таом тотини бир луқма билдиради. Бўлиниш ва тузилишнинг аччиқ-чучугини англаш учун бутун тарихни бошдан адоғ варақлаш шарт эмас. Тадқиқотчилар “Алпомиш”га нисбат бериб ўрганган бир кўҳна тарихий афсоналар: Ашина уруғи, Арканакун воқеаси, Алпомиш мансуб Қўнғирот уруғининг бобокалонлари ҳисобланмиш Қаён наслидан Чўрлуқ мерган ва Кубайшира ҳикояси сиртдан қаралса, оддий воқеа бўлиб туюлади. Лекин уни “Алпомиш” достони кўламида олиб баҳоланса, бу қарама-қаршиликлар Бойбўри билан Бойсари келишмовчилигини ёдда тиклайди. Ҳамиша эл бошига тушган фожианинг ўзагида Чўрлиқ мерган ҳамда Кубайширанинг аждодлар ўгитини унутиб, қабила тартиб-қоидаларига бўйсунмаганлари туради. Аниқроғи, уларнинг ҳар бири бу қоида, ақидаларни ўз мезонларига солиб талқин этганларида, ўзини ҳақ билиб, тарафдорлар топганида натижа ҳамиша бир маҳражли якунланган: эл бўлиниб, ҳар доим қабатда пайт пойлаб турган душманнинг ови барор олган.

Арканакун бошига тушган қора кунда, Ашина уруғи тарихида ҳам Чўрлиқ мерганлар билан Кубайширалар ёвлашган. “Алпомиш” эса уларни Бойбўри ва Бойсари, деб атади. Исмлар бу ўринда моҳиятни ўзгартирмайди. Бўлиниш қачон, қайси даврда, кимлар ўртасида бўлмасин, бир натижа берган: салтанат қулаган, эл қирғин-баротга учраган, мўъжиза билан омон қолганлар пана-пастқамда паноҳ топиб, яна қайта куч йиққан, ўтган шон-шуҳратни тиклаш орзусида курашган. Тангри ярлақаган алп-авлодлар туғилганда муродларига етишган. Тақдир чархпалаги айланган. Таназзул ва юксалишнинг ҳар бир ҳалқаси хотирани янгилаган.

Халқ бу такрорсиз такрорни чуқур англаб, туб моҳиятига етган, кўнглида “Улкан билим” зуваласидан яралган мифологик сюжетни янгитдан пишитиб, авлоддан-авлодга достон шаклида ўтказган. “Алпомиш”га тарих шу тарзда сингишган. Эпос ва этнос масаласи достонда ўзига хос талқин топган бир қатлам. Достон мазмун-моҳияти бу масала қамровларидан ҳаддсиз кенг кўламларга эга. Достондаги маъно қатламларининг ҳар бири алоҳида тадқиқотларни кутиб турибди.

Ҳаёт фақат уруш, ажралишу бирлашувдан иборат эмас. Бу дунёда муҳаббат деган буюк туйғу, куч-қудрат борки, инсоният Ер юзида яшаяпти. Муҳаббат Одам ота билан Момо ҳавони ерга олиб тушди, қонини қўшди — наслини кўпайтирди. Лекин бу қўшилувнинг баҳоси қимматга тушгани сир эмас. Нақл қиладиларки, “улар жаннатдан қувилди… Ерга туширилди…” Ердаги ҳаёт эса қувонч ва қайғу бадалида кечади… Алпомиш ҳамда Барчин ҳам Одам ота ва Момо ҳаво тақдирини ўзига хос равишда такрорлайди. Одам ота ҳамда Момо ҳаво қони Ер юзидаги ҳар бир одам томирида оқар экан, уларнинг тақдири ҳам такрор-такрор келаверади.

Эпос бу тақдирларни йиғиб, Алпомиш ва Барчин тимсолида бизга ойна қилиб кўрсатади. Ойнага қараймиз — фикр қиламиз. Ойнага қараймиз — шукр қиламиз. Ойнага қараймиз — ўзимиз, кўзимиз кўринади… Ойнага қараймиз — кўнгил кўзга эврилади, жон жононасини топади. Алпомиш Барчинни, Барчин Алпомишни, Одам Момони, Момо Одамни топганидек…

Фольклорнинг, эпоснинг сабоқлари шу!..

**Шормирза ТУРДИМОВ,**
**филология фанлари доктори.**

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби жамоаси Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Убайдулла Мингбоевга турмуш ўртоғи
**Тўхта АҲМЕДОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент кимё-технология институти жамоаси Ноорганик моддалар кимёвий технологияси кафедраси профессори, техника фанлари доктори
**ОТАҚЎЗИЕВ Темир Азим ўғлининг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси хорижий филология факультети, Немис филология кафедраси профессори Шуҳратхон Салижановна Имяминовага онаси
**РОБИХОН аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 748. 30 416 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6